

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.17/30.07.2022.К/Т.06.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК–ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ЖУМАЕВА АНОРА АДҲАМ ҚИЗИ

**ТАБИИЙ БАЗАЛЪТ АСОСИДА ПОЛИМЕРЛАР УЧУН
ТЎЛДИРУВЧИЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ
ВА ҚЎЛЛАШ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоний – 2024

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Жумаева Анора Адхам қизи

Табиий базальт асосида полимерлар учун тўлдирувчилар олиш
технологиясини ишлаб чиқиш ва қўллаш3

Жумаева Анора Адхам қизи

Разработка технологии получения наполнителей для полимеров на основе
природного базальта21

Jumaeva Anora Adham kizi

Development of technology for obtaining fillers for polymers based on natural
basalt39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works42

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.17/30.07.2022.К/Т.06.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК–ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

**ЖУМАЕВА АНОРА АДҲАМ ҚИЗИ
ТАБИИЙ БАЗАЛЪТ АСОСИДА ПОЛИМЕРЛАР УЧУН
ТЎЛДИРУВЧИЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ
ВА ҚЎЛЛАШ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/Т4347 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қарши муҳандислик-иктисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ndki.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Лутфуллаев Саъдулла Шукурович
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Амонов Мухтар Раҳматович
техника фанлари доктори, профессор

Бекназаров Ҳасан Сойибназарович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети хузуридаги PhD.17/30.07.2022.К/Т.06.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «2» 03 соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Навоий шаҳри, Ғалаба шох кўчаси, 76в-уй. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; (e-mail: info@ndki.uz).

Диссертация билан Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (~~144~~ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Навоий шаҳри, Ғалаба шох кўчаси, 76в-уй. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66;.

Диссертация автореферати 2024 йил «19» 02 куни тарқатилди.
(2024 йил «19» 02 даги 9 рақамли реестр баённомаси)



Б.Ф.Мухиддинов
Илмий даража берувчи
Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

С.Ш.Шарипов
Илмий даража берувчи
Илмий кенгаш котиби, PhD., доц.

Ҳ.М.Вапоев
Илмий даража берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси, т.ф.д., доц.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жахонда полимер материалларга кўшиладиган тўлдирувчиларни маҳаллийлаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Тўлдирувчиларни маҳаллийлаштириш саноат корхоналарни қурилишидаги харажатларни 30% гача камайтириш ва полимер композицион маҳсулотлар ишлаб чиқариш вақтини 2 мартагача қисқартириш, меҳнат унумдорлигини бир неча баробарга ошириш ва шунга мос равишда иш ўринларини оптималлаштириш орқали тайёр маҳсулот таннархини камайтиришга имкон беради. Базальт маъданининг такрорланмас бой таркиби унинг ишлатилиш соҳасининг ортишига олиб келмоқда. Бу эса олимлар олдида амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган анъанавий технологияларга ўзгартиришлар киритиш орқали янги технологияларни яратиш вазифаларини кўяди. Ушбу вазифалардан бири маҳаллий хомашё - табиий базальтдан полимерлар учун тўлдирувчи сифатида фойдаланиш бўлиб, бу алоҳида аҳамият касб этади.

Дунёда бугунги кунда полимер композицион материалларнинг термикбарқарорлигини ва агрессив муҳитларга бардошлилигини ошириш, яроқлилик муддатини узайтириш, физик-механик хоссаларини яхшилаш ва бу барча кўрсаткичларнинг ўзгаришига полимерларга кўшилаётган тўлдирувчиларнинг таъсирини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада материалларнинг узоқ муддатли ҳамда экстремал шароитларда ишлаш имкониятларини кенгайтириш талаб этилади. Шу жумладан полимерлар учун тўлдирувчи вазифасини бажариши мумкин бўлган табиий базальтдан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда поливинилхлорид (ПВХ) ва бошқа турдаги полимер хом-ашёларини ишлаб чиқариш, улар асосида полимер композицион материалларни тайёрлаш ва қайта ишлаб, турли хилдаги полимер маҳсулотларини олиш бўйича илғор илмий асосланган чора-тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида “Маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзгартириш”¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, модификация қилинган табиий базальтни ПВХ композицияси таркибига кўшиб, у асосида олинган полимер материалларнинг механик мустаҳкамлиги, технологик ва эксплуатацион хоссаларига модификацияланган базальтнинг таъсир этиш механизмини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғриси»даги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – 112 б.

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3246-сонли “Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сонли “Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Поливинилхлорид учун тўлдирувчи сифатида турли таркибли табиий базальтдан фойдаланиб, ҳар хил полимер композицион материаллар ишлаб чиқариш технологияси ҳамда уларни қайта ишлаш даврида полимер материалларда кечадиган физик-кимёвий қонуниятлар, шунингдек материалларнинг физик-механик, эксплуатацион хоссаларини тадқиқ қилиш бўйича К.С.Минскер, А.П.Марьин, Ю.С.Липатов, Э.Фатхуллаев, А.Т.Джалилов, Ф.Р. La Mantia, Н.С.Ениколопов, Т.И.Чалых, Б.Е.Гуль, А.Г.Шварц, В.Н. Кулезнев, М.Л.Кербер, В.М.Виноградов, Г.С.Головкин, Г.А.Быстров, В.П.Буряк, В.В.Ананьев, В.К.Крыжановский, А.М.Куперман, Д.Н.Мак-Келви, Ханс Цвайфель, Рольф До Маер, Михаэль Шиллер каби олимлар томонидан анчагина илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Илмий изланишлари натижасида ушбу олимлар томонидан ПВХ хомашёсини базальт билан ҳар хил миқдорий нисбатларда комбинациялаб, хоссалари яхшилانган полимер композицион материаллар олишнинг технологик усуллари, олиш жараёнларига турли хил технологик омилларнинг таъсири ўрганилган, олинган полимер композицион материалларни халқ хўжалиги ҳамда қурилиш материаллари саноатида ва бошқа соҳаларда ишлатишни тавсия этишган.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин кимё саноати ривожланишига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада маҳаллий минерал хом-ашёларни физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш, қайта ишлаш усулларини ишлаб чиқиш, уларни қўллаб ҳар хил шароитларда ишлатиладиган рақобатбардош полимер композицион материаллар олиш технологияларини ишлаб чиқиш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий тадқиқот режасига мувофиқ №905/030-сон «Табиий газни нордон газлардан тозалаш технологиясини такомиллаштириш ва иккиламчи ПЭ чиқиндилари

асосида қийин ёнувчан материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади модификацияланган базальт билан тўлдирилган маҳаллий хомашё ПВХ композицияси асосида хоссалари яхшиланган полимер материалларини олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

модификацияланган табиий базальт билан тўлдирилган ПВХ композициясининг структуравий, реологик ва технологик хоссаларига базальтнинг таъсирини ўрганиш;

модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси асосида хоссалари яхшиланган полимер материаллари олиш технологияси ва улар учун оптимал рецептураларни ишлаб чиқиш;

модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси асосида олинган полимер материалларининг физик-механик ҳамда эксплуатацион хоссаларини ўрганиш;

назарий ва экспериментал натижалар асосида олинган ПВХ асосидаги полимер материалларнинг хизмат муддатларини узайтириш ва фойдаланиш бўйича технологик тавсиялар ишлаб чиқиш;

модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси асосида полимер материаллар ишлаб чиқаришдаги иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикамиз ҳудудида мавжуд бўлган табиий базальт ва маҳаллий ёғ-мой саноати чиқиндиси ҳисобланган госсипол смоласи ҳамда улар асосида олинган ПВХ композицияси намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предметини “Навоийазот” АЖ да ишлаб чиқарилаётган ПВХ хомашёси, шу билан бирга госсипол смоласи билан модификацияланган базальт асосида ПКМ олиш технологик жараёни ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида бир қатор физик-кимёвий усуллардан фойдаланилди, жумладан пластограмма, дериватографик таҳлил, дифференциал сканерловчи калориметрия усули, оптик микроскопия усули ва бошқалар. Бундан ташқари, экспериментни режалаштириш усули ёрдамида корреляция коэффицентларини аниқлаш, шу билан бирга компьютерда олинган натижаларнинг математик-статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

табиий базальтни маҳаллий ёғ-мой саноати чиқиндиси госсипол смоласи билан модификациялаш технологияси яратилган;

полимерларга тўлдирувчи сифатида қўшилганда салбий таъсир қилувчи базальт маъдани таркибидаги металл оксидларини ажратиб олишнинг мақбул технологияси ишлаб чиқилган;

модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси асосида технологик хоссалари яхшиланган 100 мм лик канализация қувурлари олишнинг технологик режимлари аниқланган;

тўлдирувчи сифатида модификацияланган базальт кўшилган поливинилхлорид композициясининг пластикацияланиш вақти қисқариши натижасида қувур ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг технологик параметрлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

табiiй базальтни маҳаллий ёғ-мой саноати чиқиндиси госсипол смоласи билан модификациялаш технологиясининг оптимал технологик параметрлари ишлаб чиқилган;

модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси асосида техник мақсадлар учун мўлжалланган қувур олишнинг технологик режимлари ишлаб чиқилган;

олинган полимер композицион материалларнинг қатор физик-механик ва технологик хоссалари, жумладан термик барқарорлик, пластикацияланиш вақти, механик мустаҳкамлик кўрсаткичлари ва термик деструкцияси жараёнлари кенг температура интервалида аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси асосида полимер материалларининг тузилиши, физик-механик ва технологик хоссалари замонавий физик-кимёвий, дериватографик, Брабендер-пластограф, СЭМ, рентген-дифрактометр “Instron” маркали узиш (разрывной) машинаси, Vicat / HDT маркали лаборатория қурилмаси, рентгенографик таҳлил усуллардан фойдаланилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига мослиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мақсадли полимер композицион материаллар, улар асосидаги структура ва хоссаларга эга бўлган ПВХ маҳсулотлари олиш технологияси ва таркибини ишлаб чиқиш имконини берувчи маҳаллий хомашё Ўзбекистон базальти асосида модификацияланган тўлдиргич олиш технологиясини илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса модификацияланган базальт ишлаб чиқариш технологияси, тўлдирилган ПВХ композицион полимер материаллар таркиби ва улар асосида импорт ўрнини босувчи, экспортга мўлжалланган полимер композит маҳсулотлар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Табiiй базальт асосида полимерлар учун тўлдирувчилар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

табiiй базальтни маҳаллий ёғ-мой саноати чиқиндиси госсипол смоласи билан модификациялаш технологияси Шўртан нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг “2023-2024 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган (Шўртан нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг 2023 йил 5 майдаги ОП 02/ЭМ-1684-сон маълумотномаси). Натижада, технологик ва физик - механик хоссалари

яхшиланган техник мақсадлар учун қўлланиладиган табиий базальт асосидаги тўлдирувчилар олиш имконини беради;

модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси асосида қувур ишлаб чиқариш технологияси Шўртан нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг “2023-2024 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган (Шўртан нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг 2023 йил 5 майдаги ОП 02/ЭМ-1684-сон маълумотномаси). Натижада, стандарт рецептура асосида олинган қувурларга нисбатан модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси асосида олинган тайёр маҳсулот таннархининг пасайишига имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши бўйича тавсиялар, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

“Поливинилхлоридни модификацияланган базальт билан тўлдириш ва улар асосида маҳсулот олишнинг истиқболли технологиялари” деб номланган биринчи бобида поливинилхлориднинг суспензия ва эмульсияда ишлаб чиқариш турлари ва бугунги кунда жаҳон саноат корхоналарининг асосини ташкил қилувчи полимерлар учун яратилган ва кўплаб янги манбалар асосида ишлаб чиқарилаётган турли табиатли тўлдирувчилар ҳақида маълумотлар келтирилган. Жумладан, маҳаллий хомашё бўлган табиий базальтнинг асосий физик кўрсаткичлари, таркиби ва маркалари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ҳозирги кунда фойдаланилиб келинаётган полимер композициялари, уларнинг технологик кўрсаткичлари, фойдаланилаётган янги адабиётлар шарҳи ва турли хил таркибга эга бўлган табиий базальт асосида олинадиган полимер композицияларидан янги турдаги маҳсулотлар олишнинг истиқболли технологияларига бағишланган ишлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг “Тўлдирилган ПВХ композицион материалларининг тадқиқот объектлари ва усуллари” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ва қўлланилган усулларнинг баёни, қўлланилган хом ашёларнинг хоссалари, намуналарнинг физик-механик, физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш бўйича методикалар баён этилган.

Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси намуналарининг структуралари оптик микроскопия усули билан тадқиқ қилинган. Оптик микроскопия - ёруғлик микроскопи ёрдамида объектларни ўрганиб, уларнинг кўндаланг кесим хусусиятларини ёки сирт тузилишини суратга олиш усулидир. Оптик микроскоп кундузи ёки бошқа ёруғлик манбаларидан фойдаланади. Ўрганилаётган модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси намуналарини ўрганиш МИКРОМЕД Р-1 микроскопида 800х катталаштириш билан тўғридан-тўғри ёруғлик остида амалга оширилди.

Қуйидаги 1-расмда Белгород бўри ва модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияларининг микроскопик кўринишлари келтирилган.



1-расм. Белгород бўри ва модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияларининг микроскопда 800х катталаштириш билан кўринишлари:
1-Белгород бўри 3,86 м.б.; 2-модификацияланган базальт 2м.б.; 3-модификацияланган базальт 3м.б.; 4- модификацияланган базальт 4,0 м.б.

Белгород бўри билан тўлдирилган ПВХ композицияси (1) таркибидаги тўлдирувчининг полимер композициясининг бутун ҳажми бўйича қандай ёйилгани ва модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси таркибидаги тўлдирувчининг (2,3,4) полимер композициясининг бутун ҳажми бўйича қандай ёйилганини кўриш мумкин.

Расмдаги полимер юзасидаги ғадир-будурликлар базальт таркибидаги турли хил компонентларнинг таъсири натижасидир (1-расм).

Диссертациянинг “Тўлдирилган ПВХ композицион материалларнинг физик-механик ва технологик хоссаларини тадқиқ қилиш” деб номланган учинчи бобида тўлдирилган ва хоссалари яхшиланган ПВХ композицион материал намуналарини олиш усули ва улар билан олиб борилган тажриба-синов натижалари келтирилган. Жумладан, олинган намуналарнинг 1) физик-механик, 2) структур-кимёвий, 3) физик-технологик хоссалари тадқиқ қилинган ҳамда олинган пластограммалар таҳлил қилинган.

Анъанавий рецептура асосида ПВХ композициясига тўлдирувчи сифатида қўшилаётган Белгород бўрини модификацияланган табиий базальт билан алмаштирилганда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг физик-механик кўрсаткичлари ёмонлашмайди, балки, кўплаб кўрсаткичларни

яхшиланишига олиб келади.

Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси билан олиб борилган тажриба-синов натижалари куйида келтирилган (1-жадвал).


Куйидаги 1-жадвалдан кўришиб турибдики, Белгород бўри ва модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси асосидаги полимер материаллар намуналарининг чўзилишдаги мустаҳкамлиги F_{pm} , узилишдаги мустаҳкамлиги F_{pp} , чўзилишдаги оқувчанлик чегараси F_{pt} ва узилишдаги нисбий узайиш $\Delta/ор$ кўрсаткичлари таққослаб кўрилганда ушбу кўрсаткичлар жуда кам миқдорда ўзгарган.

1-жадвал


Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси асосида олинган полимер материаллар намуналарининг физик-механик хоссалари

Композиция намуналарининг номлари	F_{pt}	F_{pm}	F_{pp}	$\Delta/ор$
Белгород бўри билан тўлдирилган ПВХ асосидаги композиция	28,07	28,08	22,45	45,4
Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ асосидаги композиция. Базальт миқдори 2,0 м.б.	26,6	26,8	25,0	43,7
Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ асосидаги композиция. Базальт миқдори 3,0 м.б.	26,2	26,3	25,5	43,3
Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ асосидаги композиция. Базальт миқдори 4,0 м.б.	25,9	26,0	25,1	43,8
Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ асосидаги композиция. Базальт миқдори 5,0 м.б.	25,4	25,7	25,0	43,5

Полимерларнинг юмшаш ҳароратларини аниқлаш



2-расм. Белгород бўри билан тўлдирилган анъанавий (стандарт) ПВХ композициясининг юмшаш ҳарорати.



3-расм. Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композициясининг юмшаш ҳарорати. Базальт миқдори 4,0 м.б

Изоҳ. Расмдаги қизил рангли тўғри чизик қурилманинг ҳарорати, яшил, кўк ва оқ қизғиш ранглар учта бир хил намунанинг ҳароратлар

Олиб борилган тажрибалар давомида канализация қувурлари ишлаб чиқариш учун мўлжалланган Белгород бўри ва модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияларининг юмшаш ҳароратларини ўрганиш жараёнида 3 та намуна тайёрлаб олиниб, синаб кўрилди. Намуналарнинг қалинлиги стандарт бўйича: 1-намуна (2-расм) 3,54 мм, 2-намуна (3-расм) 3,63 мм ва 3-намуна 4,0 мм қилиб олинди. Тажриба хона ҳароратида 24,5⁰С дан бошланди. Аппаратнинг қизиш тезлиги 50⁰С/соат. 1-намунага қўйилган юк (10 Н) остидаги игна 1 мм ботиб кириши учун кетган вақт 122,68 дақиқани, ҳарорат эса ушбу вақтда 138,4⁰С ташкил қилди.

Тажрибалар давомида олинган натижалар қуйидаги 2-жадвалда келтирилган. 2-жадвалдан кўриниб турибдики, модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композициясининг юмшаш ҳарорати Белгород бўри билан тўлдирилган аънавий (стандарт) ПВХ композициянинг юмшаш ҳароратидан юқори (қизил рангли тўғри чизик).

2-жадвал

Белгород бўри ва модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияларининг юмшаш ҳароратлари

Полимер композицияларнинг номлари	Юмшаш ҳарорати, ⁰ С
Белгород бўри билан тўлдирилган аънавий (стандарт) ПВХ композициясининг юмшаш ҳарорати	138,2
Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композициясининг юмшаш ҳарорати. Модификацияланган базальт миқдори 2,0 м.б.	141,3
Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композициясининг юмшаш ҳарорати. Модификацияланган базальт миқдори 3,0 м.б.	142,8
Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композициясининг юмшаш ҳарорати. Модификацияланган базальт миқдори 4,0 м.б.	145,5
Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композициясининг юмшаш ҳарорати. Модификацияланган базальт миқдори 5,0 м.б.	146,1

Ишлаб чиқилган янги рецептура асосида олинган композицион материалнинг юмшаш ҳарорати юқорилиги тўлдирувчи сифатида қўлланилаётган модификацияланган табиий базальт таркибидаги моддаларнинг миқдорларига боғлиқ бўлади.

Полимер композицион материалларнинг суyoқланиш ҳароратларини аниқлаш учун тадқиқ қилинаётган модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияларининг суyoқланиш ҳароратлари

дифференциал сканерловчи калориметр қурилмасида (DSC) D 3417-99 усули бўйича олиб борилди.

Қуйидаги 3-жадвалда Белгород бўри ва модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияларининг суюқланиш ҳароратларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган:

3-жадвал

Композицияларни суюқланиш ҳароратлари

Композицияларнинг номлари	Суюқланиш ҳарорати, °C
Белгород бўри билан тўлдирилган ПВХ композицияси	165,6
Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси. Модификацияланган базальт миқдори 2,0 м.б.	169,2
Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси. Модификацияланган базальт миқдори 3,0 м.б.	176,3
Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси. Модификацияланган базальт миқдори 4,0 м.б.	181,6
Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси. Модификацияланган базальт миқдори 5,0 м.б.	182,9

3-жадвалдаги келтирилган тажриба-синов натижасига кўра шундай ҳулосага келиш мумкинки, Белгород бўри билан тўлдирилган ПВХ композицияси ўрнига модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композициясини қўллаш, турли мақсадлар учун ишлатиладиган, хоссалари яхшиланган сифатли полимер композицион материаллар олиш имкониятини беради. Композиция таркибига модификацияланган базальтни киритилиши полимернинг юмшаш ва суюқланиш ҳароратларининг биров ошишига сабаб бўлади.

Олинган DSC маълумотлари юқори даражада тўлдирувчилар тутган ПВХ композитларнинг иссиқлик-физик хоссаларининг ошганлигини тасдиқлайди. Полимер композицион материалларнинг суюқланиш ҳароратининг юқори эканлиги, улардан турли хил маҳсулотлар, жумладан, иссиқликка чидамлилиги юқори бўлган электр симлари учун қопламалар ишлаб чиқаришда фойдаланиш имкониятини беради.

Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияларини қайта ишлашда уларнинг технологик хоссаларини тадқиқ қилиш ва пластограммалар таҳлили 4-жадвалда келтирилган.

Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси асосида техник мақсадлар учун ишлатиладиган композицион маҳсулотлар олиш ҳамда қайта ишлашнинг оптимал шароитларида хоссалари яхшиланган

материаллар олишда технологик кўрсаткичларни ўрганиш билан боғлиқ тадқиқот натижалари келтирилган (4-жадвал).

4-жадвал

Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияларини қайта ишлашда технологик хоссаларнинг ўзгариши


№	ПВХ асосида тўлдирилган композицияларнинг номлари	Термик барқарорлик, дақиқа	Оқувчанлик кўрсаткичи, г/10 дақ.	Пластикацияланиш вақти, дақ.
1	Белгород бўри билан тўлдирилган ПВХ композицияси	190 ⁰ С да 45 дақиқа.	0,3	17
2	Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси. Модификацияланган базальт миқдори 2,0 м.б.	190 ⁰ С да 54 дақиқа.	0,1	11
3	Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси. Модификацияланган базальт миқдори 3,0 м.б.	190 ⁰ С да 61 дақиқа.	0,1	9
4	Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси. Модификацияланган базальт миқдори 4,0 м.б.	190 ⁰ С да 67 дақиқа.	0,2	8
5	Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси. Модификацияланган базальт миқдори 5,0 м.б.	190 ⁰ С да 68 дақиқа.	0,2	8

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композициясининг қовушоқ-оқувчанлик кўрсаткичи 190⁰С ҳароратда ўртача 0,2 г/10 дақ. ни ташкил қилган бўлса, термик барқарорлик 67 дақиқани, пластикацияланиш вақти эса 8 дақиқани ташкил қилди. Бундан кўриниб турибдики, модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композициясини қайта ишлаб маҳсулот олишда материалнинг физик-механик хоссаларида ўзгаришлар содир бўлди: механик мустаҳкамлик маълум даражада ошиб, маҳсулотнинг ташқи кўринишида деярли ўзгаришлар кўзатилмади.

Демак, модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композициясини қайта ишлаганда полимер материалларининг хоссаларида салбий ўзгаришлар кўзатилмайди, технологик ва физик-механик хоссалари сақланиб қолади.

Қуйидаги 4,5 - расмларда Белгород бўри билан тўлдирилган ПВХ асосидаги ва модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ асосидаги композицияларнинг пластограммалари келтирилган. Олинган натижалардан шундай хулосага келиш мумкинки, 4-расмдаги пластограммада келтирилган модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицион материали

ЭНГ оптимал вариант ҳисобланади. Чунки ушбу рецептура бўйича олинган полимер композицион материал намуналарининг физик-механик ва технологик кўрсаткичлари талабларга тўлиқ жавоб беради ҳамда ушбу композициядан техник мақсадлар учун турли хилдаги полимер маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва фойдаланиш мумкин.




4-расм. Анъанавий рецептуранинг пластограммаси




5-расм. Қувур олиш учун тайёрланган рецептуранинг Пластограммаси. Модификацияланган базальтнинг микдори 4,0 м.б.

Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияларининг сирт структурасининг таҳлили сканерловчи электрон микроскоп ёрдамида ўрганилди. Ушбу усул электрон тасвир таҳлилини ўрганишга асосланган. Сканерланган намуналар сиртининг хоссалари ва тузилишини ўрганиш ҳамда бу маълумотлардан фойдаланиб, бир неча микронгача чуқурликдаги сирт ости структураларининг хусусиятлари ҳақида маълумот олиш мумкин.



6-расм. Анъанавий таркибдаги Белгород бўри қўшилган ПВХ композицияси намунасининг (200, 500 x) тасвири.



7-расм. Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композициясининг (250 x) тасвири

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қувур ишлаб чиқариш учун мўлжалланган намуналарнинг узилишдаги энг юқори оғиш кучланиши, узилиш вақтидаги нисбий чўзилиш (%), Юнг модули ва узилишдаги кучланиш кўрсаткичлари деярли ўзгармай қолган (5-жадвал).

5-жадвал

Белгород бўри ва модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси асосида олинган намуналарнинг физик-механик кўрсаткичлари

†

№	Намуналарнинг номлари	Қалинлиги, мм	Эни, мм	Узилишдаги энг юқори оғиш кучланиши, МПа	Узилиш вақтидаги нисбий чўзилиш, %	Юнг модули, МПа	Узилишдаги кучланиш, МПа
1	Белгород бўри билан тўлдирилган ПВХ композицияси	2,5	6,4	20,95	1692,3	325,82	5,94
2	2м.б.Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси	2,5	6,4	20,36	1658,1	323,27	6,13
3	3м.б.Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси	2,5	6,4	20,02	1630,8	321,01	6,16
4	4м.б.Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси	2,5	6,4	19,96	1591,6	319,26	6,17

Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияларидан олинган намунанинг ушбу кўрсаткичлари эса бироз фарқ қилади: узилишдаги нисбий чўзилиш кўрсаткичи 1591,6 % ни ташкил қилиб, бироз камайди; Юнг модули ҳам 325,82 МПа дан 319,26 МПа гача бироз камайди; узилишдаги кучланиш кўрсаткичи ҳам 5,94 МПа дан 6,17 МПа гача бироз ошади. Бу шундан далолат берадики, модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияларини қайта ишлашда уларнинг юқоридаги физик-механик кўрсаткичлари деярли бир хил кўрсаткичларни намоён қилар экан. Амалда олинган ҳақиқий қийматлардан кўриниб турибдики, маҳаллий меъёрий-техник ва Халқаро стандарт ҳужжатларида кўрсатилган қийматлардан кам эмаслигини кўриш мумкин.


Диссертациянинг “Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицион материалларининг муҳим хоссалари ва уларни ишлаб чиқаришнинг техник - иқтисодий асослари” деб номланган тўртинчи бобида

модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияларидан турли хил техник мақсадлар учун ишлатиладиган маҳсулотлар олиш ҳамда уларни қайта ишлашнинг оптимал шароитларида керакли хоссаларга эга бўлган материаллар олишда технологик кўрсаткичларни ўрганиш билан боғлиқ тадқиқот натижалари баён қилинган. Шунингдек, модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицион материаллардан фойдаланишда олинadиган иқтисодий самарадорлик ҳисоблари келтирилган.


Базальтни модификация қилиш технологияси тўлдирувчи сифатида ишлатиладиган базальтнинг таркибида намлик бўлмаслиги керак. Шунинг учун у модификация қилиниб, гидрофоб ҳолатга келтирилади. Базальтни модификация қилиш технологик жараёни қуйидагича кетади (8-расм): шарли тегирмонда (1) кукун ҳолатгача майдалаб олинган базальт электромагнитли сепараторга (2) юборилади, бу ерда базальт таркибидаги темир оксидлари миқдори 2-3% қолгунча электромагнитли сепараторда ушлаб қолинади, сўнг аралаштиргичга (3) юборилади. Аралаштиргичга базальт ва госсипол смоласи солинади. Уларнинг миқдорлари ишлаб чиқилган ишчи рецептурага мувофиқ олинади. Аралаштиргич жараён бошланишидан аввал 40-50⁰С гача кўшимча қиздирилган бўлади. Аралаштиришнинг биринчи босқичида аралаштирувчи элементнинг айланиш тезлиги 750 айл/дақ. бўлиб, 2-3 дақиқадан сўнг тезлик 1800 айл/дақ. га оширилади. Аралаштириладиган моддаларнинг ҳарорати компонентлар заррачаларининг ўзаро бир-бири билан ва аралаштиргич деворлари билан ишқаланиши натижасида кўтарилади. Аралашманинг ҳарорати 80±5⁰С га етганда жараён тўхтатилади, кўйлаксимон аралаштиргич 30–35⁰С гача сув билан совутилади. Шундан сўнг модификацияланган тайёр базальт сиқилган ҳаво ёрдамида №014, №035 ситаси бўлган грохотга (4) келиб тушади. Грохот ситасидан ўтган модификацияланган тайёр базальт махсус контейнерларга (5) олинади ёки сиқилган ҳаво ёрдамида тўғридан-тўғри қайта ишлашга юборилади. Элак (грохот) дан ўтмай қолган модификация қилинган базальт эса махсус идишга (6) келиб тушади ва у яна қайтадан жараёнга қайтарилади.

8-расм. Базальтни модификация қилиш участкаси

- 1-шарли тегирмон;
- 2-электромагнитли сепаратор;
- 3-аралаштиргич;
- 4-грохот (элак);
- 5-махсус идиш;
- 6-элақдан ўтмай қолган маҳсулот учун идиш.



Қуйида модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси ишлаб чиқаришнинг такомиллашган технологик схемаси келтирилган:



9-расм. ПВХ композицияси ишлаб чиқариш принципиал технологик схемаси: 1-ПВХ ни қоғоздан ажратиш қурилмаси; 2-ПВХ сақланадиган силос; 3-модификацияланган базальт сақланадиган силос; 4-сўрувчи насос; 5-электрокара; 6,7-кўрғошинли тузлар ва ВМР-9-1 кўшиладиган участка; 8'-электрон-пневматик бункерли тарози; 8-иссиқ аралаштиргич; 9-совуқ аралаштиргич; 10-идиш; 11-сепаратор; 12-грохот; 13-маҳсус идиш; 14-контейнер; 15-суткалик силос; 16-термостабилизаторларни идишдан ажратиш қурилмаси; 17-регенерат идиши; 18-грохотдан ўтмай қолган маҳсулот учун идиш; 19-аралаштиргич; 20-электромагнитли сепаратор; 21-шарли тегирмон.

б-жадвал

Канализация қувурлари ишлаб чиқариш рецептуралари

№	Компонентларнинг номлари	Анъанавий (стандарт) рецептура, м.б.	Ишлаб чиқилган рецептура, м.б.
1	ПВХ	100	100
2	Белгород бўри	3,86	-
3	Уч асосли кўрғошин сульфати (ТОСС)	1,0	1,0
4	ВМР-9-1 компаунди	2,0	2,0
5	Стеарин кислотаси	0,15	0,2
6	Модификацияланган базальт	-	4,0

Технологик кўрсаткичлар			
1	Пластикацияланиш вақти, мин.	17	8
2	Қовушоқ-оқувчанлик кўрсаткичи (ПТР), г/10 дақ.	0,3	0,2
3	190 ⁰ С даги термик барқарорлик, дақ.	45	67

ПВХ асосидаги турли хил диаметрдаги канализация қувурлари ишлаб чиқариш учун мулжалланган композициянинг анъанавий (стандарт) ва биз томондан ишлаб чиқилган, тўлдирувчи сифатида модификацияланган базальтдан фойдаланилган ишчи рецептурани келтирамиз (6-жадвал)

ХУЛОСА

“Табиий базальт асосида полимерлар учун тўлдирувчилар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва қўллаш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси асосида олинган полимер материалларининг физик-механик, технологик ва мустаҳкамлик хоссалари ўрганилиб, уларнинг ишчи рецептуралари ишлаб чиқилди.

2. Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси асосида олинган полимер материалларининг пластикацияланиш вақти 17 дақиқадан 8 дақиқагача камайиши, термик барқарорлик эса 45 дақиқадан 67 дақиқагача ошиши аниқланди.

3. Модификацияланган базальт билан тўлдирилган маҳаллий хомашё - ПВХ композицияси асосида техник мақсадлар учун қўлланиладиган полимер материаллари олинди.

4. Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси асосида олинган полимер материалларининг суюқланиш ҳарорати 165,6⁰С дан 182,9⁰С градусгача ортиши аниқланди.

5. Табиий базальтни маҳаллий ёғ-мой саноати чиқиндиси госсипол смоласи билан модификациялаш (2:0,15 м.б.) технологияси ишлаб чиқилиб, жараённинг оптимал технологик параметрлари аниқланди: аралаштирувчи элементнинг оптимал тезлиги 1800 айл/дақ. ҳамда модификацияланган базальтни аралаштириш давомийлиги 30-35 дақиқа эканлиги аниқланди.

6. 4 масса бирлигида модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси пластикацияланиш вақтида ҳарорат 196⁰С дан 220⁰С гача, шнекдаги юклама эса 38% дан 71 % гача ошиши аниқланди.

7. Модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композицияси асосида қурилиш материаллари ҳамда техник мақсадларда

қўлланиладиган қувурлар ишлаб чиқариш учун технологик тавсиялар ишлаб чиқилди.

8. Белгород бўри билан тўлдирилган ПВХ композициясини олиш анъанавий технологияси такомиллаштирилиб, модификацияланган базальт билан тўлдирилган ПВХ композициясини олиш технологиясини қўллаш натижасида йиллик иқтисодий самарадорлик 478 581 000 сўмни ташкил этиши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.17/30.07.2022.К/Т.06.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАВОЙСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ГОРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ЖУМАЕВА АНОРА АДХАМ КИЗИ

**РАЗРАБОТКА И ПРИМЕНЕНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ
НАПОЛНИТЕЛЕЙ ДЛЯ ПОЛИМЕРОВ НА ОСНОВЕ ПРИРОДНОГО
БАЗАЛЬТА**

02.00.14–Технология органических веществ и материалов на их основе

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Навои – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2024.1.PhD/T4347.

Докторская диссертация выполнена в Каршинском инженерно-экономическом институте. Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на сайте Ученого совета (www.ndki.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Лутфуллаев Саъдулла Шукурович
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Амонов Мухтар Рахматович
доктор технических наук, профессор

Бекназаров Хасан Сойибназарович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Термезский государственный университет

Защита диссертации состоится 2 03 2024 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.17/30.07.2022.K/T.06.03. (Адрес: 210100, г. Навои, ул. Галаба шох, 76в. Зал заседаний Навоийского государственного горно-технологического университета. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; (e-mail: info@ndki.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Навоийского государственного горно-технологического университета (зарегистрирован за № 142). Адрес: 210100, г. Навои, ул. Галаба шох, 76в. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66.

Автореферат диссертации разослан 19.02. 2024.
(реестр протокола рассылки № 9 от 19.02. 2024).



Б.Ф.Мухиддинов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых
степеней, д.х.н., профессор.

С.Ш.Шарипов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, PhD., доцент

Х.М.Вапоев
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых
степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире локализация наполнителей, добавляемых в полимерные материалы, является одной из актуальных проблем. Локализация наполнителей позволяет снизить затраты при строительстве промышленных предприятий до 30% и сократить сроки изготовления изделий из полимерных композиционных материалов до двух раз, повысить производительность труда в несколько раз и, соответственно, снизить себестоимость готовой продукции за счет оптимизации рабочих мест. Неповторимость и богатство состава базальтовой руды расширяют область её применения. Это ставит перед учеными задачу создания новых технологий путем внесения изменений в традиционные технологии, которые теоретически и практически важны в производстве. Особое значение среди этих задач имеет разработка технологий, которые позволяют использовать местное сырье, такое как природный базальт, в качестве наполнителя полимеров.

Сегодня в мире проводятся научные исследования по повышению термостабильности полимерных композиционных материалов и их устойчивости к агрессивным средам, продлению сроков их хранения, улучшению физико-механических свойств, изучению влияния наполнителей, добавляемых в полимеры, на изменение всех этих параметров. Особое внимание уделено эффективному использованию природного базальта, который может выступать наполнителем полимеров.

На сегодняшний день в Республике ряд научных и практических результатов достигаются за счет внедрения передовых научно-обоснованных мероприятий в производстве поливинилхлорида (ПВХ) и других видов полимерного сырья, получения и переработки полимерных композиционных материалов на их основе, получения различных видов. Полимерных изделий. Указом Президента Республики Узбекистан определены такие важные задачи, как «на основе глубокой переработки местного сырья, дальнейшее ускорение производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью, изменение качественно новых видов продукции и технологии».² В связи с этим, введение модифицированного природного базальта в состав композиции ПВХ и изучение механизма влияния модифицированного базальта на механическую прочность, технологические и эксплуатационные свойства полимерных материалов, полученных на его основе, имеет большое научное и практическое значение.

Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 29 августа 2017 года № ПФ-3246 «О мерах по улучшению Экспортно-импортная деятельность организаций химической

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» №ПФ-4947 // Сборник правовых документов Республики Узбекистан. – Т., 2017. – 112 с

промышленности», ПК-3479 от 17 января 2018 года «О мерах по обеспечению стабильных поставок востребованной продукции и сырья в отрасли экономики страны» и ПК-4265 от 3 апреля 2019 года» Дальнейшее реформирование химической промышленности и повышение ее инвестиционной привлекательности» Результаты данного диссертационного исследования служат в определенной степени реализации задач, определенных в решениях «О мерах» и других нормативно-правовых документах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследований приоритетам развития науки и техники республики. Данное исследование является VII этапом развития республиканской науки и техники. Оно проводилось в соответствии с приоритетами направления «Химические технологии и нанотехнологии».

